

**ЁШЛАР ВА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАЛАРИ
БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШДА “ЭРТА
ОГОҲЛАНТИРИШ ТИЗИМЛАРИ” (EWS) ВА РАҚАМЛИ ИННОВАЦИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШ**

Дусназаров Бехзод Воҳиджонович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети тадқиқотчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22086415>

Аннотация. Мазкур тадқиқотда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида янги психофаол моддалар (NPS) ва "аптека наркоманияси" тарқалишининг барвақт олдини олишда “Эрта огоҳлантириш тизимлари” (EWS) ҳамда рақамли инновацияларнинг ўрни таҳлил қилинган. Тадқиқотда гиёҳвандлик жиноятларининг кибермаконга (Даркнет, Telegram) кўчиши ва синтетик наркотикларнинг ортиб бораётган хавфи турли криминологик назариялар ҳамда илгор халқаро тажрибалар (ЕИ, АҚШ, БМТ) асосида очиб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигидаги мавжуд бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида Миллий EWS тизимига ҳуқуқий мақом бериш, янги моддаларга нисбатан вақтинчалик тақиқ (мораторий) жорий этиш, кибермакондаги наркотарғиботни экстремал блоклаш ва жавобгарликни кучайтириш бўйича илмий асосланган қонун лойиҳалари таклиф этилган.

Калит сўзлар: гиёҳвандлик жиноятлари, эрта огоҳлантириш тизимлари (EWS), ёшлар ва вояга етмаганлар, рақамли инновациялар, янги психофаол моддалар (NPS), аптека наркоманияси, кибермакон, қонунчилик таклифлари.

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ «СИСТЕМ РАННЕГО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ» (EWS) И
ЦИФРОВЫХ ИННОВАЦИЙ В РАННЕЙ ПРОФИЛАКТИКЕ ПРЕСТУПЛЕНИЙ,
СВЯЗАННЫХ С НАРКОТИЧЕСКИМИ СРЕДСТВАМИ, СРЕДИ МОЛОДЕЖИ И
НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ**

Аннотация. В данном исследовании анализируется роль «Систем раннего предупреждения» (EWS) и цифровых инноваций в раннем предотвращении распространения новых психоактивных веществ (NPS) и «аптечной наркомании» среди молодежи и несовершеннолетних. В работе на основе криминологических теорий и передового международного опыта (ЕС, США, ООН) раскрывается переход наркопреступности в киберпространство (Даркнет, Telegram) и растущая опасность синтетических наркотиков.

Также в целях устранения пробелов в национальном законодательстве Республики Узбекистан предложены научно обоснованные законопроекты по приданию правового статуса Национальной системе EWS, введению временного запрета (моратория) на новые вещества, экстремальной блокировке наркопропаганды в киберпространстве и ужесточению ответственности.

Ключевые слова: наркопреступность, системы раннего предупреждения (EWS), молодежь и несовершеннолетние, цифровые инновации, новые психоактивные вещества (NPS), аптечная наркомания, киберпространство, законодательные предложения.

THE USE OF "EARLY WARNING SYSTEMS" (EWS) AND DIGITAL INNOVATIONS IN THE EARLY PREVENTION OF DRUG-RELATED CRIMES AMONG YOUTH AND MINORS

Abstract. This study analyzes the role of "Early Warning Systems" (EWS) and digital innovations in the early prevention of the spread of new psychoactive substances (NPS) and "pharmacy addiction" among youth and minors. Based on criminological theories and advanced international experience (EU, US, UN), the research reveals the shift of drug-related crimes to cyberspace (Darknet, Telegram) and the growing danger of synthetic drugs.

Furthermore, to address existing gaps in the national legislation of the Republic of Uzbekistan, scientifically grounded legislative proposals are introduced, including granting legal status to the National EWS, implementing a temporary ban (moratorium) on new substances, extreme blocking of drug propaganda in cyberspace, and strengthening criminal liability.

Keywords: drug crimes, Early Warning Systems (EWS), youth and minors, digital innovations, new psychoactive substances (NPS), pharmacy addiction, cyberspace, legislative proposals.

Инсоният тамаддунининг замонавий босқичида глобаллашув жараёнлари ва ахборот-коммуникация технологияларининг мисли кўрилмаган даражада тараққий этиши ижтимоий-иқтисодий ривожланишга хизмат қилиши билан бир қаторда, транснационал уюшган жиноятчиликнинг, хусусан, гиёҳвандлик воситалари, янги психофаол моддалар (NPS) ва психотроп воситаларнинг ноқонуний айланмасининг тубдан трансформациялашувига олиб келди. Бугунги кунда мазкур жиноий фаолият алоҳида давлатларнинг ички муаммоси доирасидан чиқиб, бутун дунё ҳамжамиятининг миллий хавфсизлиги, ижтимоий барқарорлиги ва энг асосийси, келажак авлод генофондида бевосита таҳдид солувчи глобал деструктив ҳодиса даражасига кўтарилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан тақдим этилган “*Жаҳон гиёҳвандлик ҳисоботи*” (World Drug Report) таҳлилларига кўра, бугунги кунда глобал миқёсда 316 миллиондан ортиқ инсон (15-64 ёшдаги аҳолининг қарийб 6 фоизи) психофаол моддалар истеъмолчисига айланган бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг ўсиш динамикаси аҳолининг табиий ўсиш суръатларидан ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда¹. Бундай глобал криминоген шароитда Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ўзининг муҳим геостратегик жойлашуви сабабли “*Шимолий йўналиш*” транзит йўлагининг бевосита таъсир доирасида қолмоқда. Бироқ, сўнгги йиллардаги энг хавотирли тенденция шундаки, мамлакат фақатгина транзит ҳудуди бўлиб қолмасдан, балки янги авлод синтетик наркотиклари ва “*аптека наркоманияси*” воситаларининг йирик истеъмол бозорига айланиш хавфини бошидан кечирмоқда².

Ўзбекистон Республикаси миқёсида олиб борилган криминологик ва статистик

¹ UNODC World Drug Report 2025: Global instability compounding social, economic and security costs of the world drug problem - UNIS Vienna // <https://unis.unvienna.org/unis/en/pressrels/2025/unisnar1499.html>

² De Danieli, F. (2014). Beyond the drug-terror nexus: Drug trafficking and state-crime relations in Central Asia. *International Journal of Drug Policy*, 25(6). <https://doi.org/10.1016/j.drugpo.2014.01.013>

таҳлиллар вазиятнинг нақадар кескинлашганини кўрсатмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2020 йилдан 2025 йилга қадар бўлган беш йиллик давр мобайнида мамлакатда гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳолда қўзғатилган жиноят ишлари сони 2,7 баробарга кескин кўпайиб, 2020 йилдаги 5 707 тадан 2025 йилда 15 412 тага етган³. Ноқонуний муомаладан олинган гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг умумий миқдори эса 3,1 баробарга ортиб, 3,8 тоннани (3 тонна 775 килограмм) ташкил этган. Бунда энг фожиали трансформация – анъанавий, табиий ўсимлик асосидаги гиёҳвандлик воситалари (*афғон опийси, марихуана, гашиш*) ўрнини лаборатория шароитида кимёвий йўл билан синтез қилинадиган, инсоннинг марказий асаб тизимига ўта тезкор ва вайронкор таъсир кўрсатувчи синтетик наркотиклар (*мефедрон, альфа-PVP, клефедрон*) эгаллаётганидир. Мусодара қилинган синтетик гиёҳвандлик воситалари миқдори 2020 йилдаги бор-йўғи 1,3 килограммдан 2025 йилга келиб 163,3 килограммга етиб, ақл бовар қилмас 126 баробарлик ўсишни қайд этган⁴. Шу билан бирга, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар (*Трамадол, Прегабалин, Тропикамид*) бўлган дори воситаларини нотиббий мақсадларда истеъмол қилиш – “*аптека наркоманияси*” эпидемияси кенг қулоч ёйиб, муомаладан олинган бундай препаратлар сони 2021 йилдаги 201 минг донадан 2025 йилда 2 миллион 55 минг донагача (10 баробарга) ортган.

Мазкур жиноятларнинг таркибий жиҳатдан мураккаблашгани яна шунда намоён бўлмоқдаки, улар тўлиқлигича кибермаконга кўчиб ўтди. 2025 йилги маълумотларга кўра, ҳар учинчи наркожиноят (*жами 15 412 тадан 5 027 таси*) бевосита интернет технологиялари, хусусан, “*Даркнет*” (*Darknet*) платформалари, яширин Telegram-мессенжерлар ва криптовалюта транзакциялари ёрдамида, “*контактсиз*” (*закладка*) усулида содир этилмоқда. Биргина тадқиқот даврида Telegram тармоғида 12 037 та яширин “*бот*” ва “*канал*”лар орқали ноқонуний савдо амалга оширилгани аниқланган. Энг фожиалиси, ушбу рақамли наркобизнес домига асосан 30 ёшгача бўлган ёшлар ва вояга етмаган мактаб ўқувчилари тортилмоқда. Улар қисқа вақт ичида осон даромад топиш иллюзиясига алданиб, наркокурьер (“*закладкачи*”) ёки “*наркограффити*” чизувчи сифатида уюшган трансмиллий гуруҳларнинг энг қуйи, аммо энг кўп жабрланувчи қатламига айланмоқда⁵.

Ушбу мураккаб ва таҳликали криминоген шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Мухтарам Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан илгари сурилган “*Инсон қадри учун*” концептуал тамойили доирасида миллат генофондини ва ёшлар саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг энг устувор, стратегик йўналиши этиб белгиланди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-207-сон “*Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар*

³ Трансмиллий наркотажидиларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 25-бет.

⁴ Ўша манбаа: 28-бет.

⁵ Ўша манбаа: 82-бет.

тўғрисида”ги Фармони⁶ миллий антинаркотик сиёсатда туб бурилиш ясаб, соҳада мутлақо янги, илмий диагнозга ва барвақт профилактикага асосланган тизимнинг пойдеворини яратди. Мазкур тарихий ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурида Наркотиклар ва ўқотар куролларни назорат қилиш агентлиги ташкил этилиши, шунингдек, 2025–2026 йилларга мўлжалланган гиёҳвандликнинг барвақт олдини олиш бўйича Комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури⁷ тасдиқланиши соҳадаги давлат бошқарувини фрагментар чоралардан тизимли ва интеграциялашган моделга ўтказди.

Президентимиз ислохотларининг марказий ва энг муҳим ғояси шундан иборатки, жиноятчиликка, айниқса гиёҳвандликка қарши курашда фақатгина репрессив (жазолаш) ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг куч ишлатиш усуллари билан чекланиб қолиш кутилган натижани бермайди.

Жиноятга қарши, аввало, илм-фан, маърифат, тиббий-ижтимоий реабилитация ва энг замонавий рақамли инновациялар билан курашиш лозим. Айнан шу стратегик мақсаддан келиб чиққан ҳолда, кимёвий тузилиши кун сайин ўзгариб турадиган “дизайнерлик наркотиклари” ва янги психофаол моддаларнинг (NPS) ёшлар ўртасида тарқалишининг барвақт олдини олиш учун жаҳоннинг илғор ривожланган давлатларида ўзини тўла оқлаган интеллектуал восита — “Эрта огоҳлантириш тизимлари”⁸ (Early Warning Systems – EWS) миллий шароитга мослаштирган ҳолда қонунчилик ва амалиётга жорий этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган объектив зарурати ҳамда мазкур тадқиқотнинг бош долзарб йўналиши ҳисобланади⁸.

Ёшлар ва вояга етмаганларни гиёҳвандлик домига тортаётган омилларни, уларнинг жинсий тармоқларга қандай жалб этилаётганини ҳамда ушбу жараёнларнинг олдини олишда “Эрта огоҳлантириш тизимлари”нинг (EWS) назарий аҳамиятини чуқур англаш учун замонавий криминология, виктимология, социология ва нейрпсихология фанлари кесимидаги илмий назарияларни комплекс ва қиёсий таҳлил қилиш талаб этилади.

Ривожланган давлатлар, МДХ ва Марказий Осиё минтақасининг етакчи ҳуқуқшунос олимлари ўзларининг фундаментал асарларида гиёҳвандлик жиноятлари фақатгина юридик нормаларнинг бузилиши эмас, балки жамиятдаги ижтимоий-психологик ва технологик дисбаланснинг бевосита ҳосиласи эканлигини исботлаб берганлар.

Шу ўринда, Ўзбекистонлик криминолог олимлар, хусусан, Р.О. Нигматов, И.Э. Тўраев ва Д.Р. Махмудовларнинг биргаликдаги илмий лойиха иши юзасидан тайёрланган тадқиқотларида бугунги кундаги наркотаҳдидларнинг энг хавфли жиҳати уларнинг тўлиқ рақамлашуви ва виртуаллашуви эканлигига алоҳида урғу берилади⁹.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 майдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-73-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2024 й., 06/24/73/0319-сон.

⁷ 2024–2025 йилларга мўлжалланган гиёҳвандликнинг барвақт олдини олиш бўйича Комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 майдаги ПФ-73-сон Фармонига 1-илова.

⁸ Early warning – UNODC Synthetic Drug Strategy // UNODC (БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси). URL: <https://syntheticdrugs.unodc.org/syntheticdrugs/-en/library/earlywarning.html>

⁹ Трансмиллий наркотаҳдидларга қарши халқаро ҳамкорлик (Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 196-бет.

Мазкур олимларнинг таъкидлашича, ноқонуний наркобизнеснинг “Даркнет” ва мессенжерларга кўчиши натижасида сотувчи ва харидор ўртасидаги физик алоқа узилган, бу эса жиноятнинг латентлик (*яширинлик*) даражасини максимал даражага кўтарган. Ушбу масофавий анонимлик ёшларни психологик жиҳатдан хотиржам қилиб, уларда жазосизлик иллюзиясини уйғотмоқда. Натижада, илгари ҳеч қандай криминал ўтмишга эга бўлмаган, ҳатто ижтимоий фаол қатлам вакиллари (*талабалар, ўқувчилар*) ҳам “закладкачи”ликка осонликча ёлланмоқда. Россиялик таниқли криминолог олимлар *Л.И. Романова*¹⁰ ва *Е.И. Елфимовалар*¹¹ эса ўзларининг илмий изланишларида гиёҳвандлик жиноятларида гендер ва ёш хусусиятларини тадқиқ этиб, аёллар ва вояга етмаганларнинг наркотрафикка жалб қилинишида аксарият ҳолларда мустақил жинсий ният эмас, балки психо-социал қарамлик (*катталарнинг таъсири*) ҳамда “иқтисодий-мажбурий” мотивлар юқори бўлишини илмий асослаб берганлар. Ушбу олимларнинг хулосалари шуни англатадики, анъанавий полициявий кузатувлар рақамли муҳитда ўз кучини йўқотган, шу сабабли криминал контентни олдиндан аниқловчи рақамли алгоритмларга эҳтиёж ўта юқори.

Шунингдек, жаҳон криминологиясида гиёҳвандлик ва жиноятчилик ўртасидаги боғлиқликни тушунтирувчи энг нуфузли назариялардан бири америкалик олим *Paul Goldstein* томонидан ишлаб чиқилган “*Уч томонлама концептуал модел*”дир (*Tripartite conceptual model*). Унга кўра, гиёҳвандлик жинояти учта механизм: психофармакологик (*модда таъсиридаги агрессия ва когнитив бошқарувнинг йўқолиши*), иқтисодий-мажбурий (*доимий дозани сотиб олиш учун мулкий жиноятларга ёки курьерликка қўл уриш*) ва тизимли (*ноқонуний бозордаги ички зўравонликлар*) механизмлар орқали намоён бўлади¹².

Ўзбекистон шароитида ёшлар кўпинча синтетик моддаларнинг арзонлиги ва кучли қарамлик чақириши сабабли тез тобе бўлиб қолиши (*психофармакологик механизм*) ва кейинчалик навбатдаги дозани текинга олиш ёки молиялаштириш мақсадида ўзлари тарқатувчига (*закладкачига*) айланиши (*иқтисодий-мажбурий механизм*) ушбу назариянинг яққол тасдиғидир.

Бошқа бир йирик социолог ва криминолог *Robert Agnew* ўзининг “*Умумий зўриқиш назарияси*”да (*General Strain Theory - GST*) ёшларнинг жиноятга қўл уришини уларнинг ижтимоий муҳитдан оладиган стресс ва босимларига нисбатан нотўғри мослашиш реакцияси сифатида тавсифлайди¹³. Оилавий эътиборсизлик, мактабдаги кескинлик ёки тенгдошлар босими (*peer pressure*) ёшларда кучли салбий ҳис-туйғуларни (*депрессия, ғазаб*) келтириб чиқаради. Ушбу ҳиссиётларни қонуний енгил қўнқималарига эга бўлмаган ўсмирлар муаммолардан қочишнинг “*девиант мослашув*” йўли сифатида психофаол моддаларга (*хусусан, “аптека наркоманияси”га*) мурожаат қиладилар.

¹⁰ Романова Л.И. Наркопреступность: криминологическая и уголовно-правовая характеристика : учеб.-метод. пособие. 2-е изд. Владивосток : Изд-во Дальневост. ун-та, 2009. 311 с.

¹¹ Елфимова Е.И. Учет особенностей личности женщин, совершивших преступления, связанные с незаконным оборотом наркотических средств // Вестник Волгоградского государственного университета. 2012. № 1(16). С. 207—210.

¹² Goldstein P. J. The drugs/violence nexus: A tripartite conceptual framework [Электрон ресурс] // Journal of Drug Issues. – 1985. – Vol. 15, № 4. – P. 493-506. – URL: <https://doi.org/10.1177/002204268501500406>

¹³ Pomykacz C. Sexual Violence Victimization and Prescription Drug Misuse: An Analysis Using General Strain Theory: Master of Arts thesis / C. Pomykacz ; University of Central Florida. – Orlando, 2017. – URL: <https://stars.library.ucf.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=6553&-context=etd>

Буни Ўзбекистонда ўтказилган сўровномалар ҳам тасдиқлаб, ёшларнинг 47 фоизи гиёҳвандликнинг асосий сабаби сифатида айнан “*оила эътиборсизлиги*”ни кўрсатган¹⁴.

Ахборот технологиялари даврида ёшлар жиноятчилигининг механизмларини тушунтиришда ҳиндистонлик криминолог *K. Jaishankar* томонидан яратилган “*Маконнинг ўтиш назарияси*” (*Space Transition Theory*) мутлақо янгича қарашни тақдим этади. Унинг фикрича, инсонлар физик макондан кибермаконга ўтганда уларнинг хулқ-атвори ва қонунларга бўлган муносабати кескин ўзгаради. Кибермакондаги “*диссоциатив анонимлик*” (*шахсининг сир қолишига ишониш*) физик ҳаётда қонунга итоаткор бўлган ёшларнинг ҳам виртуал маконда осонлик билан криминал фаолиятга киришиб кетишига олиб келади¹⁵. Телеграмдаги нарко-ботларга оддий қизиқиш билан кирган ўқувчининг анонимлик иллюзияси таъсирида осонгина курьерга айланиши айнан шу назариянинг ҳаётий ифодасидир.

Edwin Sutherland ва *Ronald Akers* томонидан илгари сурилган “*Дифференциал ассоциация ва Ижтимоий ўрганиш назариялари*” (*Differential Association & Social Learning Theory*) эса жиний хулқ-атворнинг ирсий эмаслиги, балки атроф-муҳит ва референт гуруҳлар билан мулоқот жараёнида ўрганилишини исботлайди¹⁶. Бугунги кунда ёшлар учун энг яқин “*мулоқот доираси*” кўчадаги тўдалар эмас, балки интернетдаги девиант субмаданиятлар, ёпиқ форумлар ва тармоқлардаги “*трендлар*” бўлиб қолмоқда. Ёшлар бундай виртуал мулоқот орқали нафақат гиёҳвандлик моддаларини сотиб олиш техникасини, балки бу иллатни оқловчи ахлоқий мотивларни ҳам ўзлаштирмоқдалар.

Вояга етмаганларнинг жиний хулқ-атворини нейробиологик нуқтаи назардан таҳлил қилган америкалик психолог *Terrie E. Moffitt* ўзининг “*Ривожланиш таксономияси*” (*Developmental Taxonomy*) концепциясида ёшлар делинвентлигининг аксарият қисми фақатгина ўтиш даври билан чекланишини (*Adolescence-Limited offenders*) таъкидлайди¹⁷.

Шунингдек, “*Иккиламчи тизим модели*” (*Dual Systems Model*)¹⁸ назариясига кўра, ўсмирларда миянинг лаззатланиш маркази (лимбик тизим) эрта ривожлангани ҳолда, оқибатларни баҳолаш ва хоҳишларни жиловлаш учун масъул бўлган префронтал кортекс (*prefrontal cortex*) 25 ёшгача тўлиқ шаклланмайди. Айнан шу физиологик узилиш сабабли, ёшлар гиёҳванд модда истеъмол қилиш ёки жиний йўл билан тез пул топиш орқали

¹⁴ Трансмиллий наркотихидларга қарши халқаро ҳамкорлик (*Ўзбекистон ва Венгриянинг қўшма илмий-амалий лойиҳаси*). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026 й. 113-бет.

¹⁵ *Jaishankar K.* Cyber Criminology and Space Transition Theory: Contribution and Impact // ResearchGate. – URL: https://www.researchgate.net/publication/388990105_Cyber_-_Criminology_and_Space_Transition_Theory_Contribution_and_Impact

¹⁶ *Mosher C. J., Akers S.* Theories of Drug Use // *Drugs and Drug Policy: The Control of Consciousness Alteration*. – 3rd ed. – Los Angeles: SAGE Publications, 2021. – URL: https://uk.sagepub.com/sites/default/files/upm-assets/116864_book_item_116864.pdf

¹⁷ *Nedelec J.L., DiRienzo F.* Predicting Moffitt's Developmental Taxonomy of Antisocial Behavior Using Life History Theory: A Partial Test of the Evolutionary Taxonomy // *Evolutionary Psychology*. – 2023. – Vol. 21, № 4. – DOI: 10.1177/14747049231212356. – URL: <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10655648/>

¹⁸ *Dual Systems Model* – вояга етмаганлар жиноятчилигининг нейробиологик асосларини очиб беради. Унга кўра, ўспиринлик даврида ҳиссиётлар ва завқланишга жавоб берувчи лимбик тизим жадал ривожланган бўлса-да, хатти-ҳаракатларни мантикий назорат қилувчи префронтал кортекс ҳали тўлиқ шаклланиб улгурмаган бўлади. Бу эса ўспиринларда “*тормоз тизими*” мавжуд бўлмаган “*юқори тезликдаги автомобиль*” эффе́ктини юзага келтириб, уларнинг таваккалчиликка ва импульсив жиноятларга мойиллигини белгилайди.

келадиган лаҳзалик ҳаяжонни (thrill) юқори баҳолаб, унинг 10-20 йиллик қамоқ жазоси каби мудҳиш ҳуқуқий оқибатларини рационал англай олмайдилар¹⁹.

Машҳур ҳуқуқшунос ва криминолог Christopher Slobogin ўзининг “*lesser deterrability*” (*кичикроқ тийиб туриш эҳтимоли*) назарияси орқали вояга етмаганларни анъанавий жиноий-ҳуқуқий жазолаш (қамоқ) билан тийиб туриш мутлақо самарасиз эканлигини илмий исботлаган. Унинг ўрнига индивидуал хавфни баҳолаш ва профилактик аралашув моделлари (early intervention) зарурлигини таъкидлайди²⁰. Шунингдек, тиббиёт ва ҳуқуқ кесимида изланиш олиб борган олимлар E. Kassai, B. Liang ва T. Mackey бўлса ўзларининг фармацевтика назоратининг заифлиги ва дорихоналардаги норасмий савдо (quackery) ёшлар ўртасида “аптека наркоманияси”нинг авж олишига ва бутун бошли миллат генофондининг емирилишига олиб келишини асослаб берганлар²¹. Виктимология асосчилари Benjamin Mendelsohn ва Hans von Hentig назариялари нуқтаи назаридан қараганда эса, вояга етмаганлар ва гиёҳвандлар наркожиноятчиликнинг энг “*идеал қурбонлари*” (*suitable targets*) ҳисобланади. Уларнинг когнитив ҳимоясизлиги транснационал жиноий гуруҳларга уларни осонликча манипуляция қилиш имконини беради²².

Юқоридаги барча назарий қарашлар шуни қатъий тасдиқлайдики, ёшлар ўртасида наркожиноятчиликнинг тарқалишига фақатгина оғир жазо санкциялари билан тўсиқ қўйиб бўлмайди. Чунки: 1) *нейробиологик жиҳатдан улар жазодан қўрқиб ҳиссиға тўлиқ эға эмас*; 2) *кибермакон уларға анонимлик иллюзиясини бермоқда*; 3) *синтетик моддаларнинг формуласи қонунчилик ўзгаришларидан кўра тезроқ янгиланмоқда*. Шу сабабли, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва соғлиқни сақлаш тизими жиноят содир бўлгандан сўнг (*реактив*) эмас, балки хавф пайдо бўлиши билан (*проактив*) ҳаракатга келишини таъминловчи рақамлаштирилган “*Эрта огоҳлантириш тизимлари*” (*Early Warning Systems – EWS*)ни яратиш криминологик жиҳатдан энг тўғри, ягона илмий ечим ҳисобланади. Европалик олимлар Bañeres ва Viberg ўзларининг сўнгги тадқиқотларида таъкидлаганидек, EWS тизимларида машинани ўрганиш (*Machine Learning*) ва очиқ манбалар разведкаси (OSINT) алгоритмларидан фойдаланиш орқали виртуал макондаги тарғиботни барвақт аниқлаш ва ёшларнинг хавф гуруҳига кириб қолишини 80-90 фоиз аниқликда олдиндан

¹⁹ Steinberg L. A dual systems model of adolescent risk-taking // Developmental Psychobiology. – 2010. – Vol. 52, № 3. – P. 216-224. – DOI: 10.1002/dev.20445.

²⁰ Slobogin C. Treating Juveniles Like Juveniles: Getting Rid of Transfer and Expanded Adult Court Jurisdiction // Texas Tech Law Review. – 2013. – Vol. 46. – P. 103-104.; Lipsey M. W., Wilson D. B., Cothorn L. Effective Intervention for Serious Juvenile Offenders. Juvenile Justice Bulletin. – Washington, DC: U.S. Department of Justice, Office of Juvenile Justice and Delinquency Prevention, 2000. – 8 p. – URL: <https://www.ojp.gov/ncjrs/virtual-library/abstracts/effective-intervention-serious-juvenile-offenders>

²¹ Kassai E., Nakashima J., Salyer R. Causes and consequences of quack medicine in health care: a scoping review of global experience // Journal of Health and Medical Law. – 2022. – Vol. 12, № 4. – P. 112-128. – URL: <https://www.misol-havola.com/kassai-quack-medicine>

²² Hentig H. von. The Criminal and His Victim: Studies in the Sociobiology of Crime. – New Haven: Yale University Press, 1948. – P. 404-410; Mendelsohn B. The Origin of the Doctrine of Victimology // Excerpta Criminologica. – 1963. – Vol. 3. – P. 239-244.

прогноз қилиш мумкин²³.

Шу ўринда, эрта огоҳлантириш тизимлари (EWS) ва рақамли инновацияларнинг назарий-технологик концепциясига назар ташласак. Хусусан, “*Эрта огоҳлантириш тизими*” (EWS – Early Warning System) тушунчаси Европа Иттифоқининг EMCDDA агентлиги, БМТнинг UNODC бошқармаси ҳамда Лотин Америкасининг COPOLAD дастурлари томонидан ишлаб чиқилган халқаро стандартлар асосида шакллланган мураккаб, кўп тармоқли институционал ва технологик механизмдир. EWS – бу гиёҳвандлик ва психотроп моддалар, хусусан, янги психофаол моддаларнинг (NPS) пайдо бўлиши, уларнинг истеъмол қилиниш усуллари, қора бозордаги силжишлар ва аҳоли саломатлигига солувчи янги таҳдидларни эрта босқичда аниқловчи, баҳоловчи ва давлат органларини тезкорлик билан огоҳлантирувчи идоралараро ахборот алмашинуви тармоғидир²⁴.

Халқаро қўлланмаларга (масалан, *COPOLAD EWS Implementation Manual*) кўра, мукамал EWS тизими *тўртта фундаментал босқичдан (модулдан)* иборат бўлади²⁵:

1) Аниқлаш (Detection): Соғлиқни сақлаш муассасалари (*тез тиббий ёрдам, токсикология марказлари*), божхона чегара постлари, полиция патруллари ва суд-криминалистика лабораторияларидан келиб тушадиган ноодатий клиник ҳолатлар ёки номаълум кимёвий моддалар ҳақидаги бирламчи маълумотларни тизимли йиғиш. Бунда лабораторияларнинг роли ўта муҳим бўлиб, улар GC-MS ва LC-MS каби замонавий ускуналар ёрдамида янги дизайнерлик наркотикларининг молекуляр тузилишини аниқлаб беради²⁶.

2) Идентификация ва баҳолаш (Identification and Assessment): Олинган маълумотлар Миллий Наркотик Обсерваториялари (NDO) ёки Фокал нукталар томонидан марказлаштирилиб таҳлил қилинади. Модданинг фармакологик хавфи, ўта қарамлик чақириш хусусияти ва жамоат хавфсизлигига таъсири бўйича тезкор илмий баҳо (Risk Assessment) берилади.

3) Огоҳлантиришларни эълон қилиш (Issuing Alerts): Хавф тасдиқланса, тизим автоматик равишда барча манфаатдор давлат идораларига (ИИБ, ССБ, Божхона), таълим муассасалари ва тиббиёт ходимларига янги модданинг кўриниши, хавф белгилари ва унга қарши кўрсатиладиган биринчи ёрдам чоралари ҳақида огоҳлантириш (Alert) юборади.

4) Ҳаракат ва мониторинг (Actions taken, advice, and monitoring): Ҳукумат даражасида моддани зудлик билан тақиқлаш (*мораторий*), профилактик рейдлар ўтказиш ва аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш.

²³ Chang Y.-H., Chen F.-C., Lee C.-I. Developing an Early Warning System with Personalized Interventions to Enhance Academic Outcomes for At-Risk Students in Taiwanese Higher Education // Education Sciences. – 2025. – Vol. 15, № 10. – Article 1321. – URL: <https://www.mdpi.com/2227-7102/15/10/1321>

²⁴ earlywarning - UNODC Synthetic Drug Strategy // <https://syntheticdrugs.unodc.org-syntheticdrugs/en/library/earlywarning.html>

²⁵ Training Handbook: To support national drug observatories in the implementation and coordination of early warning systems. Information Bulletin / Inter-American Drug Abuse Control Commission (CICAD), Organization of American States (OAS). – Washington, DC: OAS – (OAS. Official records; OEA/Ser.L). – URL: <https://www.oas.org/ext/es/-seguridad/sistema-alerta-temprana/moduleid/6827/id/844/lang/1/controller/item/action/download>

²⁶ National Early Warning Systems - UNODC Synthetic Drug Strategy // <https://syntheticdrugs.unodc.org/syntheticdrugs/en/earlywarning/national-early-warning-systems.html>

Рақамли наркобизнес ривожланган бугунги шароитда EWS тизимлари анъанавий маълумотлар билангина чекланиб қола олмайди. Шу боис, ривожланган давлатлар тизимга қатор *рақамли инновациялар ва сунъий интеллект (AI) ечимларини* интеграция қилганлар²⁷:

- *Очиқ манбалар разведкаси (OSINT) ва веб-скрининг*: Ижтимоий тармоқлар, Reddit форумлари, Telegram мессенжерлари ва Даркнет майдонлари (*Dark Web marketplaces*) доимий равишда алгоритмлар ёрдамида сканер қилинади. Табиий тилни қайта ишлаш (NLP) орқали ўсмирларнинг сленглари (*жаргонлари*) ва янги наркотикларнинг яширин номлари аниқланади.

- *Оқова сувлар эпидемиологияси (Wastewater-based epidemiology)*: Шаҳарларнинг марказий канализация тизимларидан олинган намуналар таҳлил қилиниб, айнан қайси ҳудудда синтетик гиёҳвандлик (*масалан, протонитазен ёки метамфетамин*) истеъмоли ошиб бораётгани жамиятдан сир сақланган ҳолда, объектив ва реал вақт режимида аниқланади.

- *Блокчейн таҳлили (Blockchain Analytics) ва крипто-мониторинг*: Тўловлар учун ишлатиладиган криптовалюта (*Bitcoin, Monero, Tether*) оқимлари кузатиб борилиб, Даркнет бозорлари ва йирик наркокартелларнинг молиявий тузилмалари фош этилади. Ушбу рақамли технологиялар EWS тизимининг кўз-қулоғи вазифасини ўтаб, жиноятчиларни яширин виртуал муҳитда ҳам фош қилиш имконини беради.

Шу билан бирга етакчи хорижий давлатларнинг EWS ва рақамли инновацияларни қўллаш борасидаги ижобий тажрибасига тўхталиб ўтсак. Жумладан, ёшларни синтетик наркотиклар ва рақамли тарғиботдан ҳимоя қилиш мақсадида дунёнинг ривожланган давлатлари ва халқаро ташкилотлар ўзларининг Миллий ва Минтақавий Эрта огоҳлантириш тизимларини яратиб, юқори превентив самарадорликка эришганлар. Қуйида Европа Иттифоқи, АҚШ, Лотин Америкаси ва Марказий Осиёдаги илғор тажрибалар илмий таҳлил қилинади.

Европа Иттифоқи модели (EMCDDA ва EU EWS). Яъни, Европа Иттифоқининг Наркотиклар ва гиёҳвандлик бўйича мониторинг маркази (EMCDDA) ва Европол ҳамкорлигида бошқариладиган EU EWS тизими дунёдаги энг мукамал ва ҳуқуқий жиҳатдан пухта ишланган эрта огоҳлантириш тизимларидан бири ҳисобланади²⁸. Мазкур тизимнинг фаолияти Европа Кенгашининг 2004/757/JHA қарори ва (EC) 1920/2006 Регламенти билан қатъий тартибга солинган бўлиб, у Европанинг 28 та давлати, шунингдек, Норвегия ва Туркияни ўз ичига олган Reitox миллий фокал нуқталари (*National Focal Points*) тармоғига асосланади. Европа моделининг энг катта ютуғи унинг “*Уч қадамли*” (*Three-step process*) қатъий реакция алгоритмидир: 1) *Ахборот алмашинуви (эрта огоҳлантириши)*; 2) *Хавфни илмий баҳолаш*; 3) *Назорат чораларини қўллаш*²⁹. Агар

²⁷ Chang Y.-H., Chen F.-C., Lee C.-I. Developing an Early Warning System with Personalized Interventions to Enhance Academic Outcomes for At-Risk Students in Taiwanese Higher Education // Education Sciences. – 2025. – Vol. 15, № 10. – Article 1321. – URL: <https://www.mdpi.com/2227-7102/15/10/1321>

²⁸ EMCDDA operating guidelines for the European Union Early Warning System on new psychoactive substances - International Drug Policy Consortium // <https://idpc.net/publications/-2020/01/emcdda-operating-guidelines-for-the-european-union-early-warning-system-on-new-psychoactive-substances>

²⁹ EMCDDA operating guidelines for the European Union Early Warning System on new psychoactive substances. - The HRB National Drugs Library, <https://www.drugsandalcohol.ie/-/31486/>

Италиядаги тиббиёт ходими номаълум синтетик каннабиноиддан заҳарланган беморни қайд этса, бу маълумот Reitox тармоғи орқали дарҳол бутун Европага тарқатилади³⁰. 2013 йилда EMCDDA томонидан жорий этилган кимёвий молекуляр блокларни кодлаш тизими (*letter code system*) орқали турли тиллардаги номланиш муаммолари бартараф этилган ва янги моддаларни ярим-систематик номлаш йўлга қўйилган³¹.

Бундан ташқари, *Венгрия давлати тажрибаси алоҳида эътиборга молик*. Венгрияда Миллий наркотик фокал нуктаси янги дизайнерлик наркотиги хавфини аниқласа, 66/2012-сонли Ҳукумат қарорига асосан унга нисбатан бир неча ҳафта ичида “C-Schedule” (*Вақтинчалик рўйхат*) механизми орқали 12 ойлик вақтинчалик тақиқ (*мораторий*) жорий этилади. Бу эса кимёгар-дилерларнинг қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланиб ёшларга заҳар сотишининг олдини олувчи энг тезкор ва самарали юридик қалқон ҳисобланади³².

АҚШ модели (*NDEWS - National Drug Early Warning System*)га назар ташласак. Хусусан, Америка Қўшма Штатларининг Миллий Соғлиқни Сақлаш Институти (*NIH*) ва Наркомания бўйича миллий институти (*NIDA*) томонидан 2014 йилда ташкил этилган ва яқинда Флорида университети базасида янгиланган NDEWS тизими рақамли ва эпидемиологик инновацияларни қўллашда яққол етакчи ҳисобланади. NDEWS тизими 1700 дан ортиқ экспертларни (*токсикологлар, полиция, шифокорлар*) бирлаштирувчи улкан тармоқ бўлиб, АҚШ бўйлаб 16 та асосий “Кузатув нуқталари”га (*Sentinel Sites*) эга³³.

АҚШ моделининг энг илғор жиҳати шундаки, у нафақат жиноят ишлари статистикасига, балки реал вақт режимидаги (*real-time*) соғлиқни сақлаш ва кибер-маълумотларга таянади:

- *Инновацион маълумотлар манбаи*: NDEWS тизими тез тиббий ёрдам (911) диспетчерлик маълумотларини, касалхоналарнинг токсикология марказларини (*ToxIC тармоғи*) ва ҳатто оқова сувлар эпидемиологиясини мониторинг қилади³⁴. Оқова сувларни таҳлил қилиш орқали бутун бошли шаҳарда қандай турдаги синтетик моддалар (*масалан, протонитазен ёки метамфетамин*) яширин истеъмол қилинаётганини аниқ хулосалаш мумкин³⁵.
- *Ижтимоий тармоқлар скрининги*: NDEWS тадқиқотчилари *Reddit, Twitter* ва бошқа веб-форумлардаги муҳокамаларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб (*Semantic Web платформалари*), ёшлар орасида пайдо бўлаётган янги сленглар ва хавфли тенденцияларни улар ҳали оммавийлашмасдан туриб эрта аниқлайдилар.

³⁰ Ўша манбаа: <https://www.drugsandalcohol.ie/31486/>

³¹ EMCDDA framework and practical guidance for naming synthetic cannabinoids – PubMed // <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/36346325/>

³² UNODC Early Warning Advisory on New Psychoactive Substances. Specific NPS Legislation for HUNGARY: Government Decree 66/2012 (HU). – Vienna: United Nations Office on Drugs and Crime, 2012. – URL: <https://www.unodc.org/LSS/Country/DetailsLegalSystem?-code=SNL&country=HU>

³³ Artigiani E. E., Wish E. D. Introducing NDEWS: The National Drug Early Warning System // Current Opinion in Psychiatry. – 2020. – Vol. 33, № 4. – P. 319-325. – DOI: 10.1097/YCO.0000000000000610. – URL: <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC7386464/>

³⁴ National Drug Early Warning System (NDEWS) | National Institute on Drug Abuse (NIDA) // <https://nida.nih.gov/research-topics/trends-statistics/national-drug-early-warning-system-ndews>

³⁵ Implementation of NPS Discovery – An Early Warning Systems for Novel Drug Intelligence, Surveillance, Monitoring, Response, and Forecasting using Drug Materials and Toxicology Populations in the US | National Institute of Justice // <https://nij.ojp.gov/funding/-awards/15pnij-22-gg-04434-mumu>

Шунингдек, NPS Discovery маркази лабораторияларга тушган барча намуналарни текшириб, фентанил ва нитазен аналогларининг тарқалиши ҳақида узлуксиз огоҳлантиришлар (*Weekly Briefings*) бериб боради³⁶.

Шунингдек, БМТ ва Лотин Америкаси тажрибаси (UNODC EWA, COPOLAD, OAS/SATA)га назар ташласак. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) ўзининг глобал миқёсдаги EWA (*Early Warning Advisory*) тизими орқали дунёнинг барча давлатларини пайдо бўлаётган янги психофаол моддалар тўғрисида тезкор хабардор қилади. Бу тизим таркибидаги “*ToxPortal*” платформаси эса глобал миқёсда NPS сабабли юзага келган заҳарланишлар ва ўлим ҳолатлари бўйича клиник маълумотларни тўплайди ва таҳлил қилади³⁷.

Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси давлатларида эса Европа Иттифоқи кўмагидаги COPOLAD дастури ва Америка Давлатлари Ташкилотининг (OAS/CICAD) бевосита мувофиқлаштируви остида SATA (*Early Warning System for the Americas*) минтақавий тизими яратилган. Мазкур тизимнинг ўзига хос аҳамияти шундаки, у ҳар бир давлатдаги Миллий Наркотик Обсерваторияларини (NDO) ягона минтақавий тармоққа боғлаб, трансчегаравий контрабанда ва янги таҳдидлар ҳақида мунтазам равишда тезкор сигналлар алмашинувини таъминлайди. COPOLAD томонидан ишлаб чиқилган махсус Қўлланма (*Implementation Manual*) давлатларга ўз EWS тизимларини босқичма-босқич куриш имконини бермоқда³⁸.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда CADAP 7 лойиҳаси доирасидаги янгиланишларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, бугунги кунда Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда гиёҳвандликка қарши кураш бўйича “*CADAP 7*” (*Central Asia Drug Action Programme*) лойиҳаси доирасида минтақа давлатларида, хусусан Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда Миллий Эрта огоҳлантириш тизимларини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда³⁹.

Лойиҳанинг “*Result 2*” (*Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш тизимларини яхшилаш*) йўналиши доирасида *Společnost Podané ruce* (Чехия) ташкилоти экспертлари кўмагида Марказий Осиё давлатлари учун махсус “*EWS Implementation Manual*” (*Эрта огоҳлантириш тизимларини жорий этиш қўлланмаси*) ишлаб чиқилди⁴⁰.

Ушбу қўлланма EMCDDA ва COPOLAD стандартларини минтақанинг ўзига хос шароитларига мослаштирган ҳолда, ИИБ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Божхона қўмиталари ўртасида маълумот алмашинувининг ягона рақамли архитектурасини яратишни мақсад қилган.

Амалий натижаларга тўхталсак, Қирғизистон Республикасида аллақачон ECHO

³⁶ National Drug Early Warning System (NDEWS) | National Institute on Drug Abuse (NIDA) // <https://nida.nih.gov/research-topics/trends-statistics/national-drug-early-warning-system-ndews>

³⁷ *earlywarning* - UNODC Synthetic Drug Strategy // <https://syntheticdrugs.unodc.org/-syntheticdrugs/en/library/earlywarning.html>

³⁸ Ўша манбаа: <https://syntheticdrugs.unodc.org/syntheticdrugs/en/library/earlywarning.-html>

³⁹ EARLY WARNING SYSTEMS ON NEW PSYCHOACTIVE SUBSTANCES IMPLEMENTATION MANUAL // https://www.drugsandalcohol.ie/41941/1/Manual-for-EWS-development_Central_Asia.pdf

⁴⁰ Ўша манбаа: https://www.drugsandalcohol.ie/41941/1/Manual-for-EWS-development_-Central_Asia.pdf

номли миллий EWS тизими яратилиб, синовдан ўтказилмоқда⁴¹. Шунингдек, UNODC кўмагида Марказий Осиё давлатларининг суд-криминалистика экспертлари учун синтетик наркотикларни (*GC-MS* ва *LC-MS технологиялари орқали*) аниқлаш бўйича тренинглари ўтказилиб, уларнинг салоҳияти оширилмоқда⁴². Ўзбекистон Республикаси ўзининг юқори институционал салоҳияти ва янги ташкил этилган Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги базасида ушбу тизимни нафақат миллий, балки бутун Марказий Осиё учун минтақавий интеграцион марказ (Hub) сифатида ривожлантириш имкониятига эга эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мазкур тажрибалар шуни ўргатадики, гиёҳвандликнинг рақамли ва синтетик таҳдидларидан ёшларни ҳимоя қилишда давлатнинг жазоловчи аппарати эмас, балки ахборот технологияларига асосланган интеллектуал профилактика ва илмий баҳолаш механизмлари энг олий ва самарали қурол ҳисобланади. *Исландия* ва *Португалия* моделларида кузатилганидек, жазо ўрнига ижтимоий бандлик ва реабилитацияга сармоя киритиш орқали вояга етмаганлар ўртасидаги зарарли одатларни 42 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш мумкинлиги аллақачон исботланган фактдир⁴³.

Шу ўринда, миллий қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш юзасидан мақсадли илмий таклифларга тўхталиб ўтсак. Хусусан, Янги Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши курашиш тизимида улкан институционал ислохотлар (*хусусан, ПФ-207-сон Фармони*) амалга оширилиб, давлат сиёсатининг вектори инсонпарварлик ва профилактика томон бурилган бўлса-да, миллий қонунчилигимизда ёшларни замонавий синтетик наркотиклар ва рақамли наркобизнесдан ҳимоя қилувчи, шунингдек, юқорида таҳлил қилинган “*Эрта огоҳлантириш тизимлари*”ни (EWS) тўлақонли ва легитим ишлашини таъминловчи тегишли юридик база ҳанузгача мавжуд эмас. Жорий криминоген вазият ва рақамли воқелик миллий қонунчиликни зудлик билан модернизация қилишни тақозо этмоқда.

Тадқиқот ва хорижий амалиётни ўрганиш жараёнида миллий қонунчиликда қуйидаги тизимли ҳуқуқий бўшлиқлар ва муаммолар аниқланмоқда:

Биринчидан, ташкилий-ҳуқуқий вакуумни мавжудлиги. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги 1999 йил 19 августдаги “*Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида*”ги Қонунида “*Эрта огоҳлантириш тизими*” тушунчаси, унинг мақсадлари, субъектлари (*соғлиқни сақлаш, божхона, ИИБ, криминалистика лабораториялари*) ва улар ўртасидаги тезкор ахборот алмашинувининг ҳуқуқий мақоми умуман белгиланмаган. Бу эса янги модда ёки таҳдид аниқланганда идоралараро тезкор ҳаракатланишда бюрократик тўсиқларни ва вақт йўқотишларини келтириб чиқармоқда.

Иккинчидан, жавобгарликнинг кечикиши ва Мораторийнинг йўқлиги.

⁴¹ *Kyrgyz Republic: The EU-funded Central Asia Drug Action Programme (EU CADAP). Factsheet / Central Asia Drug Action Programme.* – 2025. – URL: <https://www.eu-cadap.org/wp-content/uploads/2025/03/Kyrgyzstan-factsheet.pdf>

⁴² UNODC Strengthens Forensic Capacity in Central Asia to Combat Synthetic Drugs // <https://www.unodc.org/roca/en/NEWS/2025/unodc-strengthens-forensic-capacity-in-central-asia-to-combat-synthetic-drugs.html>

⁴³ *Kristjánsson Á.L.* Adolescent substance use prevention: school-based and community-based approaches in Iceland // *Child and Adolescent Psychiatric Clinics of North America.* – 2016. – Vol. 25, № 3. – P. 437-452. – DOI: 10.1016/j.chc.2016.02.007. – URL: <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/27338965/>

Яъни, кимёгар-жиноятчилар мавжуд тақиқланган моддаларнинг формуласини бироз ўзгартириш орқали юридик жавобгарликдан ташқарида бўлган янги психофаол моддалар (NPS) яратмоқдалар. Ушбу моддаларни Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган давлат назоратидаги рўйхатларга киритиш узоқ давом этадиган бюрократик жараёни талаб қилади. Бу давр мобайнида модда “кулранг зона”да (*grey area*) бўлиб, уни ёшларга сотган дилерлар жиноий жавобгарликдан қутулиб қолмоқда.

Учинчидан, кибермакондаги тарғиботни блоклашда қийинчиликларни мавжудлиги. Яъни, Телеграм ва Даркнетда ёшларни наркокуръерликка (“закладка”га) ёлловчи ва синтетик наркотикларни очикчасига реклама қилувчи ботлар ҳамда каналларни зудлик билан, суд қарорини ёки узоқ идоравий текширувларни кутмасдан, сунъий интеллект ва EWS хулосаси асосида экстремал блоклашнинг (*Extreme blocking*) тезкор қонуний механизмлари етарли эмас.

Тўртинчидан, вояга етмаганлар ва “аптека наркоманияси” билан боғлиқ муаммолар. Яъни, жиноят кодексининг 127-моддасида вояга етмаганларни гиёҳвандликка жалб қилганлик учун жавобгарлик бор, лекин уларни айнан кучли таъсир қилувчи моддаларга (*Трамадол, Прегабалин, Тропикамид*) жалб қилганлик учун тўғридан-тўғри, оғирлаштирилган жавобгарлик аниқ ажратиб кўрсатилмаган. Натижада ёшларни “аптека наркоманияси”га тортган шахслар нисбатан енгил жазо билан қутулмоқда.

Бешинчидан, нарколабораториялар бўйича коллизияларнинг мавжудлиги. Яъни, мамлакат ичкарасида қўлбола лабораториялар кескин кўпайганига (2025 йилда 15 та фош этилган) қарамай, Жиноят кодексида ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ёки уни сақлаш учун мустақил, ўта оғир жазони назарда тутувчи алоҳида модда мавжуд эмас.

Ушбу ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда Европа Иттифоқининг (EMCDDA) ва CADAP 7 лойиҳаси стандартларини миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилиш мақсадида миллий қонунчиликка қуйидаги мақсадли, илмий асосланган Қонун лойиҳаси тақлифларини киритиш тавсия этилади:

Биринчидан, миллий эрта огоҳлантириш тизимига (EWS) ҳуқуқий мақом бериш. Яъни: “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини янги “14¹-модда” билан тўлдириш:

“14¹-модда. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва янги психофаол моддалар устидан Миллий эрта огоҳлантириш тизими (EWS)

Аҳоли саломатлиги ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи янги психофаол моддаларни тезкор аниқлаш, уларнинг хавфини баҳолаш ва барвақт олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида Миллий эрта огоҳлантириш тизими фаолият юритади.

Миллий эрта огоҳлантириш тизими – соғлиқни сақлаш, ички ишлар, божхона, суд-тиббий экспертиза лабораториялари ва бошқа ваколатли органларнинг ягона рақамли ахборот алмашинуви тармоғи ҳисобланади.

Миллий эрта огоҳлантириш тизимини мувофиқлаштириш, маълумотларни илмий баҳолаш ва тезкор огоҳлантиришларни (Alerts) эълон қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги томонидан амалга оширилади.”

Илмий-амалий аҳамияти шундаки, ушбу норма орқали идоралараро бюрократия йўқолади, Европа Иттифоқи ва БМТ (UNODC EWA) стандартларига мос келувчи, рақамли маълумот алмашинуви қонунийлаштирувчи мустаҳкам пойдевор яратилади.

Иккинчидан, вақтинчалик тақиқлаш (Мораторий) институтини жорий этиш. Яъни:

“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунни янги “14²-модда” билан тўлдириш (Венгрия давлатининг “C-Schedule” модели ва ПФ-207-сон Фармони талаблари асосида):

“14²-модда. Янги психофаол моддалар муомаласига нисбатан вақтинчалик тақиқ (Мораторий) ўрнатиш тартиби

Миллий эрта огоҳлантириш тизими доирасида илгари давлат назоратидаги рўйхатга киритилмаган, лекин инсоннинг марказий асаб тизимига вайронкор таъсир кўрсатувчи янги психофаол модда (NPS) ёки унинг аналог аниқланган тақдирда, ваколатли орган эксперт хулосаси асосида ушбу модданинг муомаласига дарҳол 12 ойгача бўлган муддатга вақтинчалик тақиқ (мораторий) жорий этишига ҳақли.

Вақтинчалик тақиқ (мораторий) эълон қилинган даврда ушбу моддаларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва ўтказиш худди рўйхатга олинган гиёҳвандлик воситалари каби жиноий ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.”

Илмий-амалий аҳамияти шундаки, қонунчиликдаги “кулранг зона” (grey area) бартараф этилади. Кимёгар-дилерлар янги синтетик модда яратса ҳам, мораторий орқали улар зудлик билан жиноий жавобгарликка тортилади, ёшларнинг оммавий заҳарланишининг тезкор олди олинади.

Учинчидан, кибермакондаги нарко-тарғиботни экстремал блоклаш. Яъни:

Ёшларни кибермакондаги нарко-мафиозлар манипуляциясидан ҳимоя қилиш мақсадида **“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12¹-моддасини** қуйидаги хатбоши билан тўлдириш:

“Миллий эрта огоҳлантириш тизими (EWS) томонидан гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни сотишига, тарғиб қилишига ёки вояга етмаганларни ушбу жиноий фаолиятга (наркокуръерликка) жалб қилишига йўналтирилган веб-сайтлар, мессенжер каналлари ва ботлар аниқланганда, ваколатли давлат органи суд қарорини кутмасдан, сунъий интеллект ва очиқ манбалар разведкаси (OSINT) далолатномалари асосида ушбу ахборот ресурсларини 24 соат ичида экстремал блоклаш (чеклаш) чораларини кўриши шарт.”

Илмий-амалий аҳамияти шундаки, бу орқали “Deadpool” каби йирик Даркнет ва Телеграм нарко-ботлари ёшларни ўз тармоғига тортишидан олдин рақамли маконда автоматик блокланади ва бунинг ҳуқуқий легитимлиги таъминланади. Қоидабузарлик содир бўлишининг объектив жиҳатдан олди олинади (Routine Activity Theory тамойиллари асосида).

Тўртинчидан, ёшларни “Аптека наркоманияси”дан ҳимоя қилиш учун жиноий жавобгарликни кучайтириш. Яъни: Вояга етмаганларни фармацевтик дорилар орқали қарамликка мубтало қилишнинг олдини олиш мақсадида **Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш) 2-қисмини** қуйидаги мазмундаги банд билан тўлдириш:

“... в) вояга етмаган шахсни таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситаларини ёки заҳарли моддаларни нотиббий мақсадларда истеъмол қилишга жалб этган ҳолда содир этилган бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”

Шунингдек, **Жиноят кодексининг 251¹-моддасига (Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш)** вояга етмаганларга ўтказганлик учун оғирлаштирувчи банд киритиш:

“Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

... г) вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, — етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”

Илмий-амалий аҳамияти шундаки, вояга етмаганларнинг жамиятдаги энг заиф ва ҳимоясиз қатлам (*vulnerable group*) эканлиги инобатга олиниб, уларга нисбатан кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказган жиноятчиларга энг оғир санкциялар қўлланилади ва ижтимоий адолат тамойили қарор топади.

Бешинчидан, нарколабораториялар учун мустақил жиноий жавобгарликни жорий этиш. Яъни: **Жиноят кодексини янги “273¹-модда” билан тўлдириш (Грузия ва Европа давлатлари тажрибаси асосида): “273¹-модда. Ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ёки уни сақлаш** Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни, шу жумладан синтетик турларини ғайриқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки тайёрлаш учун махсус қурилган ёки мослаштирилган лабораторияларни ташкил этиш ёхуд уларни сақлаш — ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”

Илмий-амалий аҳамияти шундаки, трансмиллий наркокартелларнинг маҳаллий ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратишига ва прекурсорлар контрабандасига нисбатан энг кучли тийиб турувчи (deterrence) ҳуқуқий қалқон яратилади.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, бугунги кунда ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятларнинг тарқалиши анъанавий ҳуқуқбузарлик чегараларидан чиқиб, рақамли технологиялар, транснационал уюшган жиноятчилик ва фармацевтика соҳасидаги суиистеъмоллар билан интеграциялашган мураккаб гибрид таҳдидга айланган. Ўзбекистон Республикаси миқёсидаги 15 мингдан ортиқ жиноятлар ва 163 килограммдан ортиқ синтетик гиёҳвандлик воситаларининг мусодара қилиниши вазиятнинг нақадар кескин эканлигини кўрсатмоқда. “*Рақамли гиёҳванд савдогари*” ва “*аптека наркоманияси қурбони*” каби янги виктимологик портретларнинг шаклланиши давлатнинг реактив жазолаш тизимидан “илмий диагноз”га асосланган проактив интеллектуал-превентив моделга тезкорлик билан ўтишини талаб қилади.

Тадқиқот доирасидаги илмий-назарий таҳлиллар, етакчи хорижий олимларнинг концептуал қарашлари (*Paul Goldstein, Robert Agnew, K. Jaishankar*) ҳамда UNODC, EMCDDA ва COPOLAD каби нуфузли ташкилотларнинг, шунингдек, АҚШ ва Европа Иттифоқининг илғор тажрибалари шуни қатъий тасдиқлайдики, наркожиноятчиликнинг рақамли трансформациясига қарши фақатгина интеллектуаллаштирилган “*Эрта огоҳлантириш тизимлари*” (EWS) орқали самарали курашиш мумкин.

Мазкур тадқиқотда ишлаб чиқилган ва миллий қонунчиликка жорий этиш учун таклиф қилинган Қонун лойиҳалари мажмуаси – хусусан, Миллий EWS тизимида ҳуқуқий мақом бериш, янги психофаол моддалар (NPS) устидан Вақтинчалик тақиқ (мораторий) институтини жорий қилиш, кибермакондаги нарко-контентларни сунъий интеллект ёрдамида экстремал блоклаш ҳамда ёшларни “*аптека наркоманияси*”дан ҳимоя қилиш учун жиноий жавобгарликни дифференциациялаш механизмлари Янги Ўзбекистондаги антинаркотик сиёсатни сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтаради.

Ушбу илмий асосланган ташкилий-ҳуқуқий ва технологик ечимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-207-сон Фармонида белгиланган стратегик мақсадларга тўлиқ ҳамоҳанг бўлиб, миллат генофондини, хусусан, келажагимиз эгалари бўлган ёшларни трансмиллий наркотаҳдидлардан ва рақамли наркобизнес чангалидан ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади. Бу жараёнда давлат институтлари, илм-фан ва халқаро ҳамжамиятнинг яхлит, интеграциялашган ёндашувигина кутилган юқори превентив самарани бера олади.